

# Бомдоднинг суннати | Ҳадис дарслари (343-дарс)



19:00 / 03.09.2025 2058

رَجَفُ الْاِتْعَاكِ: لَأَقَمَّ لَسَوَهْ يَلَعُ لَلِ اِيَّ صَرِّي بَلَلِ اِنَع، اَهَنَع هَلَلِ اِي ضَرَّة شَائِعْ نَع  
اُمُه وَعَدَت اَل: دَمَحْ اَوْ دَوَادِ اِي بَالِ وُ. دَمَحْ اَوْ اِي ذِمَّتْ لَأَوْ مَلْسُ مْ هَاوَر. اَهِي فَا مَوْ اِي نُنْدَلَا نَمْ رُيَخ  
لُيَخْ لَأُ مْ كُنْتْ دَرَطْ نِ اُو

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бомдоднинг икки ракъъати дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар».**

*Муслим, Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

*Аҳмад ва Абу Довуд:*

**«Агар сизни отлиқлар қувиб турса ҳам иккисини қўйманглар»**ни зиёда қилганлар.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисда Бомдоднинг икки рақъат суннати ҳақида сўз бормоқда. У икки рақъат намоз энг фазилатли вақтда ўқилади. Унинг савоби ниҳоятда улкандир. Агар Бомдоддаги икки рақъат суннат намознинг савобини бу дунёнинг ўлчови билан ўлчайдиган бўлсак, дунёнинг ҳаммасидан ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам яхшироқдир.

Демак, ҳар куни саҳар туриб, яхшилаб таҳорат қилиб, Бомдод намозининг икки рақъат суннатини ўқиган одам дунёдаги энг кўп савобни олган киши бўлар экан.

Намозхонлар ўзларидаги бу фазлни англаб етишлари лозим.

Бомдоднинг суннатини ўқиш қанчалар зарур эканлигини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Агар сизни отлиқлар қувиб турса ҳам иккисини қўйманглар»** деган сўзларидан тушуниб олсак бўлаверади. Яъни, агар душман бостириб келиб турса ҳам, Бомдоднинг икки рақъат суннатини тарк қилмаслик лозим.

دَسَّ أَلْفًا وَنَلَّ مِنْ عَيْشِ لَيْلٍ مَسَّ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبِيٍّ نَلَّ نَكَيْ مَلْ: تَلَّ أَقْأَهُ نَعَوُ  
عَثَّ أَلْفًا وَنَلَّ مِنْ عَيْشِ لَيْلٍ مَسَّ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبِيٍّ نَلَّ نَكَيْ مَلْ: تَلَّ أَقْأَهُ نَعَوُ

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нафллардан ҳеч бирига Бомдоднинг икки рақъатига аҳд қилганларидек шиддатли аҳд қилмаган эдилар».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бомдоднинг икки рақъат суннатини бирон марта тарк қилганларини ҳеч ким билмайди. Ҳатто саҳобалар билан ғазотдан келаётиб, ухлаб қолганларида ҳам, олдин икки рақъат суннатни ўқиб олиб, кейин фарзнинг қазосини ўқиганлар.

Демак, бу намозга қаттиқ эътибор беришимиз лозим.

لَبَقْدَنْيَتَلَلَا نِيَتَعَكَّرَلَا فَّفَخِي مَلَسَو هِيَ لَعُهُ لَلَا لِيَصِي بِنَلَا نَاك : تَلَاقُ اَهْنَعُو  
سِي ذِمَّتْ لَالِ اِلْ اِسْمُ خَلَا هَاوَر . بِبَاتِ كَلَلَا مُبْ اَرْقُ لَه لُو قَالِي نِي اِي تَحْ حَبْ صِلَا اَلَا ص

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдод намозидан олдинги икки рақъатни енгил ўқир эдилар. Ҳаттоки мен «Уммул Китоб»ни ўқидиларми (ёки йўқми)?» деб ўйлар эдим».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** «Уммул Китоб» – Фотиҳа сураси. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдоднинг икки рақъат суннати жуда ҳам енгил ўқиганларини Оиша онамиз Фотиҳа сурасини ўқиганчалик, деб васф қилмоқдалар.

Бу шак эмас, балки тез ўқишни баён қилиш услуби, холос. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бомдоднинг икки рақъат суннатида нимани ўқишлари ўта маълум ва машҳур нарсадир.

ي ف اَرْقُ مَلَسَو هِيَ لَعُهُ لَلَا لِيَصِي بِنَلَا نَاك : تَلَاقُ اَهْنَعُو  
سِي ذِمَّتْ لَالِ اِلْ اِسْمُ خَلَا هَاوَر . اَكْدُ اَللَّهُ هُوَ قُلُّ نَرُو ﴿١﴾ اَلْكَفَرُونَ يَتَأْتِيَا قُلُّ : نَجْفَلَا لِيَتَعَكَّر

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдоднинг икки рақъатида «Қул йаа айюҳал кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқир эдилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Уламолар жумҳури ушбу икки сурани Бомдоднинг суннатида зам қилиш мустаҳабдир, деганлар.

اَرْقِي مَلَسَو هِيَ لَعُهُ لَلَا لِيَصِي بِنَلَا نَاك : تَلَاقُ اَهْنَعُو لَلَا لِيَصِي بِنَلَا نَاك : تَلَاقُ اَهْنَعُو  
هَاوَر . وَيَبْنِكُمْ بَيْنَنَا سَوَامٌ كَلِمَةً اِلَّا تَعَالَوْا : نَا رَمَعَلَا لِي ف ي تَلَاو اِلَيْنَا اُنزَل وَمَا بِاللَّهِ اَمْنًا فُوَلُوا : نَجْفَلَا لِيَتَعَكَّر ي ف  
عَجَطْ صِي لَفِ رَجْفَلَا لِيَتَعَكَّر مُمْ كُدْحَا لِي ص اِذِي : دُوَاد ي ذِمَّتْ لَلَا و . دُوَاد وُّبَاو مَلَسُم  
و هِي مِي لَع

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдоднинг икки ракъатида «Қулу аманна биллаҳи ва ма унзила илайка» билан «Оли Имрон»даги «Таъалав ила калиматин соваин байнана ва байнакум»ни ўқир эдилар».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Демак, гоҳида Пайғамбар алайҳиссалом ушбу икки оятни ҳам Бомдоднинг суннатида зам қилганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.